

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2020 йил  
21 августдаги ПҚ-4812-сон  
Қарори ижроси ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 21 августдаги “Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чоратadbirlar тўғрисида”ги ПҚ-4812-сон Қарори ижросини таъминлаш мақсадида

### Б У Ю Р А М А Н:

1. 2021 йил 1 январдан “Ўзавтосаноат” АЖда давлат харидлари тўғрисидаги қонунчилик талабларига ва корпоратив бошқарувнинг замонавий тамойилларига мувофиқ товарлар (ишлар, хизматлар) харидларини ўтказишнинг “Харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги” (Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги лойиҳа бошқаруви миллий агентлигининг 2018 йил 15 май 185-сон буйруғи билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 26 май 3016-рақам билан рўйхатдан ўтказилган) низомга асосан амалга оширилсин.

2. “Ўзавтосаноат” АЖ харид комиссияси аъзоларининг таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Маҳаллийлаштириш ва маҳсулот сифатини ривожлантириш бошқармаси бошлиғини “Ўзавтосаноат” АЖда харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш учун жавобгар шахс этиб белгилансин.

Шу билан бирга, “Ўзавтосаноат” АЖ харид комиссиясининг ишчи органи харидлар ўтказишни (товар етказиб берувчиларни олдиндан малакали танлаш, тушадиган таклифларни эксперт баҳолаш, бинолар ва ёрдамчи ходимлар бериш, реклама ишларини ташкил этиш, харид комиссияси

хужжатларини ва шу кабиларни амалга оширишни) амалда ташкил этувчи асосий орган ҳисобланади. Тегишли харидларни амалга ошираётган ташкил этувчи асосий орган, “Ўзавтосаноат” АЖнинг тегишли таркибий тузилмаси ҳисоблансин.

4. “Ўзавтосаноат” АЖнинг 2011 йил 10 январдаги 3-сон буйруғи, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топилсин.

5. Маъмурият ва хужжатлар ижроси назорати бошқармаси мазкур буйруқни “Ўзавтосаноат” АЖ таркибий тузилмаларига етказилишини таъминласин.

6. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш бошқарув раисининг маҳаллийлаштириш, кооперация алоқаларини саноатда кенгайтириш ва ахборот технологиялари масалалари бўйича биринчи ўринбосари А.В. Рафиқов зиммасига юклансин.

Бошқарув раиси



Ш. Умурзаков

“Ўзавтосаноат” АЖнинг

2020 йил 28.12. ги  
14- 169 -сон буйруғига  
ИЛОВА

**“Ўзавтосаноат” АЖ харид комиссияси аъзоларининг таркиби**

1. Рафиқов А.В. - Бошқарув раисининг маҳаллийлаштириш, кооперация алоқаларини саноатда кенгайтириш ва ахборот технологиялари масалалари бўйича биринчи ўринбосари, харид комиссияси раиси
2. Шукуров А.К. - Иқтисодиёт масалалари бўйича бошқарув раисининг ўринбосари, харид комиссияси раисининг ўринбосари
3. Лавозими бўйича - Маъмурият ва ҳужжатлар ижроси назорати бошқармаси бошлиғи, харид комиссияси аъзоси
4. Кодиров Р.Ш. - Стратегик режалаштириш, таҳлил ва ривожлантириш бошқармаси бошлиғи, харид комиссияси аъзоси
5. Туйчиев А.С. - Бухгалтерия ҳисоби ва методология бошқармаси бошлиғи, харид комиссияси аъзоси
6. Акилов Х.Н. - Прогнозлаш ва бизнес-режаларининг бажарилишини назорат қилиш бошқармаси бошлиғи, харид комиссияси аъзоси
7. Лавозими бўйича - Маҳаллийлаштириш ва маҳсулот сифатини ривожлантириш бошқармаси бошлиғи, харид комиссияси аъзоси

**Изоҳ:** Комиссия аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда унинг таркибига кўрсатилган лавозимларга янгидан тайинланган шахслар ёки тегишли функцияларни бажариш зиммасига юкланган шахслар киритилади.

